



2019 yil «23» март

110 – К - sonli

Samarqand sh.

**“OQTOSH DIYORBEK NUR” МЧЖ  
ҚҚга инвестициявий ва ижтимоий  
мажбуриятлар белгилаган ҳолда туризм  
инфратузилма объектлари (маиший  
хизмат кўрсатиш мажмуаси ва  
автомобилларга газ қўйиш шаҳобчаси)  
куриш учун ер участкаси ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат  
мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳукуқларни тадбиркорлик  
субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари  
Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори  
ижросини таъминлаш мақсадида

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил  
8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов  
комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни  
маълумот учун қабул қилинсин.

2. “OQTOSH DIYORBEK NUR” масъулияти чекланган жамият  
шаклидаги қўшма қорхонасига туризм инфратузилма объектлари (маиший  
хизмат кўрсатиш мажмуаси ва автомобилларга газ қўйиш шоҳобчаси) куриш  
учун Нарпай туман Зарафшон массивининг 27-контуридаги 76 балли 1,5 га  
суғориладиган ер майдони қўйидаги инвестициявий ва ижтимоий  
мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳукуқи билан  
ажратиб берилсин:

туризм инфратузилма объектлари (маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси  
ва автомобилларга газ қўйиш шоҳобчаси) куриш учун 1,1 млн. АҚШ доллари  
миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 1 октябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;  
 20 та янги иш ўринларини яратиш;  
 ажратилган ер майдони ва туташ худудларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “OQTOSH DIYORBEK NUR” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма қорхонаси томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят худудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “OQTOSH DIYORBEK NUR” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма қорхонасига ажратилаётган 1,5 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг маҳсус ҳисоб рақамига 165578999 (бир юз олтмиш беш миллион беш юз етмиш саккиз минг тўқиз юз тўқсон тўққиз) сўм миқдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Нарпай тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов), вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“OQTOSH DIYORBEK NUR” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма қорхонасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда, ер участкасига бўлган ҳукуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нурқулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов